

№ S/5 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Кайпова Малика Дауытбай қизи</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ	9-13
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ Г.А.ПУГАЧЕНКОВОЙ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА	14-19
<i>Aminov Xurmatbek Baxram o'g'li</i> HUNARMANDCHILIK RIVOJI UCHUN YANGI IMKONIYATLAR	20-25
<i>Мустафоев Жонибек Аралбоевич</i> “ПАХТА ИШИ”НИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ФОЖИАЛИ ОҚИБАТЛАРИ (НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	26-31
<i>Yunusxo'jayev Habibulla Zafar o'g'li</i> O'ZBEKİSTON TARİXİY TARAQQIYOTNING ZAMONAVİY BOSQİCHIDA İJTİMOİY DAVLATNI SHAKLLANTIRİSHNING KONSTITUTSIYAVİY İSTİQBOLLARI	32-36
<i>Маҳмудон Эркин Асқаралиевич</i> АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ФАРГОНАДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР	37-45
<i>Назаров Комил Шамсуддинович</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ	46-51
<i>Mamajonov Rahimjon Akramovich</i> O'ZBEKİSTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI	52-58

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Остонокулов Азамат Абдукаримович, Султонов Омон Жўма ўғли</i> ДАВЛАТ ОТМЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАГЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТЛАРНИНГ АХБОРОТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	59-69
<i>Narmamatov Ixtiyor Baxtiyorovich</i> DEVELOPMENT ADVANTAGES OF CASHLESS PAYMENTS IN THE PAYMENT SYSTEM OF UZBEKISTAN	70-75
<i>Хамраев Джамишид Панжиевич</i> ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ, РИВОЖЛANIШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ЗАРУРЛИГИ	76-81
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	82-91
<i>Axmedova Nazokat Zikirillo qizi</i> KORXONA MARKETING STRATEGIYASIDA RAQAMLI STRATEGIYADAN FOYDALANISH USULLARI VA AFZALLIKLARI	92-97

<i>Саатмуротов Шоҳруҳ</i>	
МИНТАҚАДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ БАҲОЛАШ ОМИЛЛАРИ	98-103
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i>	
АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ	104-113
<i>Кадиров Лутфулло Халимович</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ	114-121

<i>Ibragimova Zarema Zokirovna</i>	
DUNYONING IQTISODIY RIVOJLANGAN MAMLAQATLARINING BOSHQARUV TAHLILINI TASHKIL ETISH VA ULARNI ICHKI IQTISODIYOTGA TATBIQ ETISH TAJRIBASI	122-129

<i>Қодиров Азизжон Анварович</i>	
«COVID-19» ИНҚИРОЗИННИНГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ	130-137

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i>	
JON LOKKNING TABIIY HOLAT VA TINCHLIKKA OID QARASHLARI	138-145

<i>Raxmatova Xolidaxon Xolikovna</i>	
XOJA AHROR VALIYNING TINCHLIK, OSOYISHTALIK VA HAMJIHATLIKKA DOIR G'OVYALARI – BARQAROR TARAQQIYOT OMILI SIFATIDA	146-151

<i>Орзиеев Иқболжон</i>	
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА СЕКУЛЯРИЗМ ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ	152-157

<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
ILMIY MUAMMOLARNI HAL ETISHDA BAHS-MUNOZARALAR LARNING TUTGAN O'RNI.....	158-165

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Israel Mukaddas Irgashevna</i>	
BOSMA MEDIA TILINING SOTSIOLINGVISTIK ASPEKTDA O'RGANISH USULLARI	166-172

<i>Nishonova Xurshida Yusufjanovna</i>	
A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MILLIY RUHNING IFODALANISHIDA E'TIQODIY QARASHLAR	173-178

<i>Маматкулова Камола Шавкат кизи</i>	
ИСТОРИЯ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПОНЯТИЯ ПРЕЦЕДЕНТНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕГО РОЛЬ В ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ	179-184

<i>Hamroyeva Dilfuza Jamolovna</i>	
O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA YUZ SOMATIZMINING BADIY TALQINI	185-189

<i>Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna</i>	
OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA MOLIYAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH	

MASALALARI	190-195
<i>Ismonova Yorqinoy Abdumutalib qizi</i> ROMANDA ROVIY BOLA OBRAZI.....	196-200
<i>Mirzoyev Masudjon Kimsanovich, Niholchonova Navbahor</i> FARZONA XO'JANDIY SHE'RLARIDA MIFOLOGIK PERSONAJLAR BADIY IFODASINING XUSUSIYATLARI	201-206
<i>Kholiyorov Bunyod</i> THE CONDITION OF DEVELOPMENT OF LEXICAL COMPETENCE USING AUTHENTIC MATERIALS IN TEACHING ENGLISH IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	207-213
<i>Hazratqulov Mutallib Rashidovich, Gulxanova Fotima, Qarshiboyeva Muborak</i> NUTQNI IDROK ETISH QONUNIYATLARI	214-219

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Файзиев Шухрат Хасанович</i> ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ	220-225
<i>Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li</i> ATOM ENERGIYASINING XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHNING XALQARO-HUQUQIY ASOSLARI	226-233
<i>Safoeva Sadoqat Musoeva</i> IJTIMOIY TARMOQLARDA FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABATLARNI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH ISTIQBOLLARI	234-246
<i>Бокиев Жаҳонгир Нурматжон ўғли</i> АЛОҲИДА ТАЪЛИМ ЭҲТИЁЖЛАРИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ	247-253
<i>Турсунова Маликахон Улуғбековна</i> ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТДА ДИПЛОМАТИК ФАОЛИЯТ ШАКЛЛАРИ: ИСЛОХОТЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБОТИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖ	254-258

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Atamatov Abdusalil Salomovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MUSTAQIL SOATLARNI O'QITILISHINING KOMPETENSIYAVIY O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	259-265
<i>Omarova Gavhar Sadikovna</i> HUQUQ FANINI O'QITISHDA TA'LIMNI TABAQALASHTIRISHNING PEDOGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI: DIDAKTIK O'YINLAR MISOLIDA	266-271
<i>Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li</i> BO'LAJAK PEDAGOGLARNING KASBIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART TOPSHIRIQLARNING ROLI VA AHAMIYATI	272-277

<i>Kuchkarova Arofathon</i>	
THE IMPORTANCE OF GEOGEBRA IN ENHANCING STUDENTS' LEARNING OF MATHEMATICS AT SCHOOLS	278-283
<i>Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna</i>	
UMUMTA'LIM MAKTABLEARI ADABIYOT DARSLARIDA ASAR BADIYATINI O'QITISH TARIXI	284-288
<i>Masharipov Ravqat Madraximovich</i>	
KURASH BILAN SHUG'ULLANUVCHI TALABA SPORTCHILARDA TAYYORGARLIK BOSQICHLARINI KUN VA HAFTALIK MIKROTSIKLLARDA MASHG'ULOT YUKLAMALARINI OPTIMAL ME'YORLASH	289-295
<i>Niyozmatov Anvar Bahodirovich</i>	
XORAZM XALQ O'YINLARI	296-303
<i>Qodirov Xasanboy Oribjonovich</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASASI TALABALARIDA LIDERLIK SIFATLARINI SHAKLLANTIRISH BOSQICHLARI	304-309
<i>Kejaboev Abdusalim Erkaboevich</i>	
PEDAGOGIK MENEJMENT VA ZAMONAVIY RAHBAR KOMPETENTLIGI	310-315
<i>Axmadjonova Farangiz Axrorjon qizi</i>	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAVIY TA'LIM MAZMUNI VA TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISHNING DIDAKTIK – USLUBIY TA'MINOTI	316-322

Қодиров Азизжон Анварович
БухДУ тадқиқотчиси

«COVID-19» ИНҚИРОЗИННИГ ЖАҲОН ЭКОТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада коронавирус пандемиясининг жаҳон экотуризм индустриясининг ривожланишига таъсири баҳоланиб, инқироз сабабли вужудга келган муаммолар аниқланган.

Калит сўзлар: туризм, экотуризм, экотуристик обьектлар, экотуристик хизматлар, табиий туристик хизмат, турист, экотурист, коронавирус, пандемия.

Kadyrov Azizjon Anvarovich
Bukhara State University researcher

KODIROV A.A. IMPACT OF THE “COVID-19” CRISIS ON THE DEVELOPMENT OF THE WORLD ECOTOURISM INDUSTRY

Abstract. The article assesses the impact of the coronavirus pandemic on the development of the global ecotourism industry and identifies the problems that have arisen in connection with the crisis.

Key words: tourism, ecotourism, ecotourism objects, ecotourism services, nature tourism services, tourist, ecotourist, coronavirus, pandemic.

Қадыров Азизжон Анварович
научный сотрудник Бухарского государственного университета

ҚОДИРОВ А.А. ВЛИЯНИЕ КРИЗИСА «COVID-19» НА РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ ИНДУСТРИИ ЭКОТУРИЗМА

Аннотация. В статье оценивается влияние пандемии коронавируса на развитие мировой индустрии экотуризма и выявляются проблемы, возникшие в связи с кризисом.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, объекты экотуризма, услуги экотуризма, услуги природного туризма, турист, экотурист, коронавирус, пандемия.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPI1342V3SI5Y2023N18>

Кириш. Жаҳонда «Covid-19» инқирозидан кейинги даврда туристик хизматлар бозори, жумладан, экотуризм индустриясида жонланиш тенденцияси кузатилмоқда. Халқаро ташкилотлар эксперталари томонидан берилган прогнозларга кўра, халқаро туристик хизматлар бозорида 2023-2027 йилларда спорт, тиббий ва экологик туризм

хизматларидан фойдаланиш ҳажми ортиб, соғлом турмуш тарзига асосланган ушбу туристик хизматлар нархининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 12,0 фоизни ташкил этади.[1] Ушбу ҳолат мамлакатларда экологик туризм салоҳиятини барқарор ривожлантириш механизмини илмий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш заруриятини уйғотади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётда турли олимлар томонидан ўз мамлакатларининг экотуристик салоҳиятини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, С.Қ. Кутлер, М. Сантеиро, Н. Сомерио, А. Авила-Робинсон, А.Г. Асмелаш каби узоқ хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан экотуризм салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий асосларига бағишлиланган назарий қарашлар таҳлил этилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида гурухлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда жаҳонда 150 дан ортиқ мамлакатлар иқтисодиётида туристик хизматлар соҳасини ривожлантиришга устуворлик қаратилиб келинмоқда.[2] Шу билан биргаликда, туристик хизматлар кўрсатиш соҳаси сўнгги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эга бўлиб келаётганлиги турли мамлакатларда ушбу соҳани ривожлантиришга устуворлик қаратилмоқда. Жаҳон туризм ташкилоти эксперtlари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажмида туризм соҳасининг улуши 10 фоизни, халқаро экспорт ҳажмининг 6,0 фоиздан ортиқ қисми туристик хизматлар хиссасига тўғри келади. Шунингдек, сўнгги йилларда халқаро туристик хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари сақланиб қолган тақдирда, 2030 йилда халқаро туристик оқим ҳажми 1,36 млрд. кишига етиши мумкинлиги прогноз қилинмоқда.[4]

Юқорида келтирилган маълумотларга аосланган ҳолда айтиш мумкинки, туризм индустриясининг жаҳон хўжалиги, жумладан мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда туристик хизматлар бозорини ривожлантиришга устуворлик қаратилиб келаётган аксарият мамлакатлар иқтисодиётида ЯИМнинг 20-60 фоизи айнан ушбу соҳа хиссасига тўғри келаётганлиги, унинг мамлакатлар миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг драйверига айланиб бораётганлигини анлатади.

Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, жаҳонда «Covid-19» инқирозининг авж олиши натижасида мамлакатларда қатъий карантин чора-тадбирларига устуворлик қаратилиши, мамлакатлар чегараларининг ёпилиши туристик хизматлар бозорига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиб, туристик хизматларга бўлган талаб ҳажмини турли мамлакатларда 90-100 фоизгача қисқариб кетишига олиб келди.[3] Халқаро туристик хизматлар бозорида талаб ҳажмининг пасайиб кетиши турли мамлакатлар туризм индустриясидаги мавжуд иш ўринлари сонининг камайишига олиб келди. Таҳлилларга кўра, Европа Иттифоқи мамлакатлари туризм индустрияси коронавирус пандемияси сабабли жаҳоннинг бошқа мамлакатларига нисбатан энг кўп иш ўрни йўқотган мамлакатлар бўлди. Жумладан, биргина Германия туризм индустриясида коронавирус пандемияси шароитида 1,6 млн. иш ўринлари ёпилди. Шунингдек, кейинги ўринларни Италия, Франция, Буюк Британия

мамлакатлари эгаллашди. Европа Иттифоқи мамлакатларидан ташқари Россия, Бразилия, Япония, Ҳиндистон, Индонезия каби мамлакатлар ҳам коронавирус пандемияси шароитида туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида иш ўринларининг қисқариши бўйича юқори кўрсаткичларни қайд этишди.[4]

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, коронавирус пандемияси шароитида глобал даражада чегараларнинг ёпилиши натижасида халқаро туристик хизматлар бозорининг ривожланиш кўрсаткичи 72 фоизга пасайиб, туризм индустрияси ривожланиш тарихидаги 1990 йилги кўрсаткичларга қайтди. «Covid-19» пандемияси натижасижа жаҳон туризм индустриясидаги иш ўринлари сонидаги жами йўқотиши 199 млн.тани ташкил этиб, иш ўринлари сони 319 млн.дан 120 млн.га камайган бўлса, ушбу соҳа кўрган молиявий зарур ҳажми 1 трлн. долл.дан ортиб кетди.[5]

Таҳлилларга кўра, коронавирус пандемияси шароитида жаҳон туризм индустрияси кўрган зарар ҳажми 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига нисбатан 10 баробардан ортиқ кўрсаткични қайд этди. Жумладан, мамлакатлараро чегараларнинг ёпилиши натижасида халқаро туристик оқим ҳажми 900. млн.дан ортганлиги глобал даражада туристик хизматлар бозори даромадларини ҳажмини 935 млрд. долл.га камайди. Бунинг оқибатида жаҳон ЯИМ ҳажмига 2 трлн. дорлл. зарар етди.[6] Шу сабабли, халқаро эксперtlар коронавирус пандемияси даврини туризм ривожланишидаги энг салбий таъсирга эга бўлган инқироз даври сифатида баҳолашмоқда.

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, коронавирус пандемияси шароитида Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларига хорижий туристик оқим ҳажмининг ўсиш тенденцияси 84 фоизга тенг бўлиб, бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларга нисбатан энг юқори кўрсаткични қайд этиб, жаҳон бўйича ўртacha кўрсаткичга нисбатан баҳолангандага 12 фоизга юқори бўлди. Шу билан биргаликда, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда ҳам ушбу минтақа мамлакатларида халқаро туристик оқим ҳажми кўрсаткичлари жаҳоннинг бошқа мамлакатларига нисбатан қайта тикланиш тенденцияси пастлиги аниқланган (1-жадвалга қаранг)


1-жадвал

«Covid-19» пандемиясининг глобал туристик оқим ҳажмига таъсири, жаҳон минтақалари бўйича 2019 йилга нисбатан фоизда[7]

	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й
Глобал даражада	+4	-72	-69	-37
Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари	+4	-84	-93	-77
Африка мамлакатлари	+2	-73	-72	-35
Яқин Шарқ мамлакатлари	+8	-73	-66	-17
Америка минтақаси мамлакатлари	+2	-68	-63	-35
Европа минтақаси мамлакатлари	+4	-68	-59	-21

Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 2020 йилда халқаро туристик оқим ҳажми 2003 йилда кузатилган «SARS» эпидемиялари авж олган даврга нисбатан 17 фоизга кўпроқ салбий натижани қайд этган. Шу билан биргаликда, улар 2023 йилда халқаро туристик хизматлар


бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари 2019 йилги кўрсаткичга қайтиши прогноз қилмоқда.[8]



1-расм. Жаҳонда халқаро туристик оқим ҳажмининг қайта тикланиш кўрсаткичи, 2019 йилга нисбатан фоизда[10]

Таҳлилларга кўра, «G20» мамлакатлари иқтисодиётида туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши ўрта ҳисобда 9,5 фоизни ташкил этиб, жами иқтисодиётда бандларнинг 10,0 фоизи ушбу соҳада банд ҳисобланади. Жумладан, Италия, Испания ва Мексика каби мамлакатлар ЯИМда туризм соҳасининг улуши 14,0 фоиздан юқори эканлиги билан характерланади. Коронавирус пандемияси шароитида ушбу мамлакатлар ЯИМ таркибида туризм соҳасининг улуши 2,5-3,5 фоизгача пасайди.[9]

Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро туристик оқим ҳажми 2022 йилда 900 млн.ни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 2,0 мартаға кўп бўлса, 2019 йилга нисбатан 37 фоизга кам бўлган. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларига туристик мақсадларда ташриф буюрганлар сони 2022 йилда 585 млн. кишига этиб, 2019 йилги кўрсаткичнинг 80,0 фоизига teng бўлди (1-расмга қаранг). Экспертлар томонидан берилган прогнозларга кўра, 2023 йилда халқаро туристик оқим ҳажми 2019 йилги кўрсаткичнинг 80-95 фоизини ташкил этиши кутилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, халқаро туристик оқим ҳажми 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада ижобий тенденцияларга эга бўлишига қарамай, пандемиядан аввалги даврдаги, яъни, 2019 йилги кўрсаткичга 2024 йилдан кейинги йилларда эришиш мумкин бўлади (2-расмга қаранг).



2-расм. Халқаро туристик хизматлар бозорининг пандемиядан аввалги кўрсаткичга қайтиши бўйича прогноз кўрсаткичлар, 2019 йилга нисбатан фоизда[10]

Халқаро туризм ташкилоти эксперtlари тадқиқотлари натижаларига кўра, глобал даражада хорижий туристик оқим ҳажми пандемиядан аввалги даврдаги кўрсаткичга қайтмай туриб, мамлакатлар миллий туризм индустрисининг ривожланиш кўрсаткичларини 2019 йилги кўрсаткичга қайтаришнинг иложи йўқ. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, 2024 йилда Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларида миллий туризм индустрисининг пандемиядан аввалги кўрсаткичининг 69 фоизини таъминлашга эришиш мумкин бўлади (2-расмга қаранг). Ушбу ҳолат пандемиядан кейинги даврда халқаро туристик оқим таркибида табиий-экологик мақсадларда туристик саёҳат қилиш истагида бўлган экотуристлар сонининг кескин ортганлиги билан изоҳланади. Айнан Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари тиббий-рекреацион ва табиий-экологик экотуристик ресурсларга бойлиги билан бошқа мамлакатларга нисбатан ажralиб туради.

Коронавирус пандемияси шароитида экологик туризм соҳасида қуйидаги тенденциялар кўзга ташланди:

- экотуристик хизматлар кўрсатиш жараёнлари тўхтатилди;
- экотуристик обьектлар ташриф буюрувчилар учун ёпилди;
- иш ўринлари сони қисқартирилди;
- таъминот занжирида узилишлар вужудга келди.

Халқаро ташкилотлар экспертлари «Covid-19» инқирози экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасига бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, коронавирус пандемияси сабабли экотуристик обьектларга ташриф буюрувчиларнинг сони кескин камайиши атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини сезиларли даражада қисқаришига олиб келганлиги инқирознинг соҳа ривожланишига ижобий таъсир сифатида баҳоланса, салбий таъсир сифатида даромадлар ҳажмининг қисқариши экотуризм соҳасидаги молиявий муаммоларни келтириб чиқарганлиги таъкидланмоқда.[11]

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси шароитида глобал даражада қатъий карантин чора-тадбирларининг ўрнатилиши натижасида инсонларнинг атроф-муҳит билан алоқаси сезиларли даражада камайди. Жумладан,

транспорт воситалари қатновларига, фуқароларнинг заруратсиз кўчага чиқишлирага ўрнатилган чекловлар нафақат атроф-муҳитнинг ифлосланиши, балки, атмосферага чиқадиган заарали газлар ҳажмини ҳам кескин камайишига олиб келди. Натижада экотуристик ресурсларни сезиларли даражада қайта тикланишига эришилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, пандемияга қадар бўлган даврда глобал даражадаги ҳавонинг ифлосланиш даражаси халқаро меъёrlардан 2,5 баробарга ортиб кетганлиги натижасида, жаҳондаги 12,5 фоиз ёки ҳар саккизтадан битта ўлим ҳолати айнан экологик муаммолар билан боғлиқ бўлган. Жумладан, атмосферага заҳарли газларнинг чиқиш ҳажмининг ортиши инсонлардаги нафас йўли, онкологик касалликлар билан биргалиқда, нуқсон билан туғиладиган чақалоқлар сонининг ортишига олиб келган.[12] Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда экотуризмни ривожлантириш нафақат мамлакат иқтисодиёти, балки, инсоният ҳаёти учун ҳам фойдали жиҳатлари мавжуд, деган холосага келиш мумкин бўлади.

Коронавирус пандемиясининг глобал даражада авж олиш кўрсаткичлари босқичма босқич пасайиб бориши натижасида 2020 йилнинг III чорагининг охирларидан бошлаб ўрнатилган қатъий карантик чекловлари сезиларли даражада юмшатила бошланди. Натижада мамлакатлараро чегаралар очилиб, туристлар учун саёҳат қилиш имкониятлари қайта тақдим этила бошланди. Бу эса халқаро туристик оқим ҳажмининг аста секинлик билан жонланишига олиб келди.

Халқаро туризм ва саёҳат кенгаши томонидан кейинги йилларда халқаро туристик хизматлар бозорида нафақат экотуристлар учун балки бошқа туристик мақсадларда саёҳат қилаётганлар учун ҳам атроф-муҳитни ҳимоялаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича меъёrlарни ишлаб чиқиш ва уларга қатъий амал қилиш тавсия этилган. Жумладан, «Covid-19» пандемиясидан кейинги даврда халқаро туристик оқим ҳажмида экотуристик мақсадлардан бошқа мақсадда туристик саҳатни амалга оширган туристларнинг 73,0 фоизи туристик саёҳат давомидан экотуристик хизматлардан фойдаланишган. Бу эса экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасида иш ўрнига нисбатан қўйилган касбий билим, кўникум ва малакалар бўйича талабларнинг ортиши натижасида ушбу соҳада банд бўлганларнинг 68 фоизини малакасини ошириш заруриятини вужудга келтирган. Шунингдек, экотуристик хизматлар кўрсатишда инновацион экотехнологиялардан фойдаланиши атмосферага чиқадиган CO² гази ҳажмини 8,0 фоизга, инсонларнинг атроф-муҳитга, жумладан, флора ва фауна дунёси учун хавф туғдириш ҳолатларини 50 фоизга камайтиришга олиб келган.[13]

Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда халқаро туристик оқим ҳажмида экотуристик саёҳат қилиш истагида бўлган туристлар сони сезиларли даражада ортиши натижасида айрим экотуристик обьектларга ташриф буюрувчи экотуристлар сони деярли 2,0 баробарга кўпайиб, экотуристик обьектларга рекреацион юкнинг ортиб кетишига олиб келди. Пандемиядан кейинги даврда кузатилган бундай тенденциялар натижасида экотуристик хизматлар кўрсатиш соҳасида қуйидаги муаммолар вужудга келди:

- экотуристик хизматлар кўрсатиш ва экотуристларнинг ҳордиқ чиқаришини бошқариш қийинлашди;

- жамоат жойларида ҳаракатланишда карантин талабларига риоя қилишни назорат қилиш;

- экотуристик объектлар, жумладан, махсус қўриқланадиган табиий боғлар, рекреацион экотуристик объектларда экотуристларнинг рухсатсиз ҳаракатланиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражасининг ортиши;

- илк марта экотуристик саёҳатга чиққан туристларнинг сонини кескин ортиши натижасида етарли даражадаги табиат ва атроф-муҳит ҳақидаги билимга эга бўлмаган экотуристлар томонидан биринчи тиббий ёрдам ва қидирув-қутқарув ишларига бўлган талабнинг ортиши[11].

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, халқаро туристик хизматлар бозорида экотуристик хизматларга бўлган талаб ҳажмининг кескин ортиб бориши ушбу хизматлар кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан биргалиқда, экотуристик ресурслардан оқилона фойдаланиш заруриятини оширади. Бу эса экотуристик хизматлар соҳасига инновацион экотуристик техника-технологияларни жорий қилиш ҳажмини оширишни талаб этади. Халқаро даражада консалтинг хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи «McKinsey & Company» томонидан коронавирус пандемиясидан кейинги даврда туризм соҳасини ривожланиши, жумладан, туристик оқим ҳажмида вужудга келган таркибий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, 24 та мамлакатга 100,0 млрд. долл. ҳажмдаги молиявий ресурсларни туризм индустриясига бевосита алоқадор бўлган соҳаларга, 300,0 млрд. долл. ҳажмдаги инвестицияларни эса туристик хизматлар кўрсатишга бевосита алоқадор бўлган соҳаларни молиялаштиришга йўналтириди. Шу билан биргалиқда, компания эксперталари томонидан коронавирусдан кейинги даврда миллий туризм индустриясини молиялаштириш амалиётини тубдан такомиллаштириш билан биргалиқда, соҳага жалб этилаётган инвестициялар ҳисобидан туристик хизматлар кўрсатиш амалиётини инновацион экотехнологиялар билан қуроллантириш тавсия этилмоқда.[14]

Хулосалар. «Covid-19» пандемиясининг халқаро экотуристик хизматлар бозорига таъсирини баҳолаш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

- пандемия шароитида мамлакатлараро чегараларнинг ёпилиши натижасида халқаро туристик хизматлар бозорида талаб ҳажми кескин пасайиб кетди ва натижада кўплаб иш ўринлари йўқотилди;

- коронавирус пандемияси инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатганлиги сабабли, пандемиядан кейинги даврда халқаро туристик оқим ҳажмида экотуристик хизматлардан фойдаланишга бўлган талаб орта бошлади;

- илк маротаба экотуристик хизматлардан фойдаланувч сайёҳлар сонининг кўпайиши экотуристик объектларда биринchi тиббий ёрдам ва қутқарув-қидируv ишларига бўлган талабнинг ортишига олиб келди. Ушбу ҳолат экотуризм истеъмолчилардан тегишли даражадаги экологик таълим, тарбия ва маданиятга эга бўлишни талаб этишини яққол намоён қилди;

- халқаро туристик оқим ҳажмида экотуристлар сонининг ортиши экотуристик ресурслардан фойдаланиш бўйича юкнинг ортишига олиб келди ва натижада

экотуристик хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш зарурияти вужудга келиб, ушбу соҳага инновацион экотехнологияларни жалб этиш лозимлигини кўрсатди;

- экотуристик мақсадлардан бошқа мақсадда туристик саёҳатга чиққанлар ҳам туристик саёҳатни амалга ошириш даврида экотуристик хизматлардан фойдаланиш ҳолатлари сони қўпайди. Шу билан биргаликда, халқаро ташкилотлар эксперталари томонидан бошқа турдаги туристик хизматлар кўрсатиш амалиётига ҳам экотуристик стандартларни жорий этиш тавсия этилмоқда;

- пандемиядан кейинги даврда экотуристик хизматларга бўлган талабнинг ортиши соҳада мавжуд иш ўринлари бўйича малака талабларининг такомиллашувига олиб келди.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Названы тренды мирового туризма в 2023 году. Ассоциация Туроператоров. 02.03.2023 г. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.atorus.ru/node/51583>
2. Мошняга Е.В. Основные тенденции развития туризма в современном мире // Вестник РМАТ. 2013. № 3. С. 20-34
3. Ростуризм разработал комплекс мер для спасения отрасли // Ежедневная электронная газета Российского союза туриндустрии. 14.04.2020 г. [Электронный ресурс] – URL: https://ratanews.ru/news/news_16042020_3.stm
4. Логунцова И.В. Индустрия туризма в условиях пандемии коронавируса: вызовы и перспективы // Государственное управление. Электронный вестник. Выпуск № 80. Июнь 2020 г. С. 49-65. . [Электронный ресурс] – URL: http://ejournal.spa.msu.ru/uploads/vestnik/2020/vipusk_80_ijun_2020_g./problemi_upravlenija_teorij_a_i_praktika/loguntsova.pdf
5. Туризм (мировой рынок) [электронный ресурс] дата публикации 2023/02/03 <https://www.tadviser.ru/index.php>
6. Tourism back to 1990 levels as arrivals fall by more than 70 %. UNWTO. 17 Dec. 2020. <https://www.unwto.org/news/tourism-back-to-1990-levels-as-arrivals-fall-by-more-than-70>
7. Tourism set to return to pre-pandemic levels in some regions in 2023. UNWTO. 17 Jan. 2023. <https://www.unwto.org/news/tourism-set-to-return-to-pre-pandemic-levels-in-some-regions-in-2023> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган
8. Babii A., Nadeem S. Tourism in a Post-Pandemic World. International Monetary Fund. 26 Feb. 2021. URL: <https://www.imf.org/en/News/Articles/2021/02/24/na022521-how-to-save-travel-and-tourism-in-a-post-pandemic-world>
9. Kozlov D.A. Tourism Forecasting. / Textbook. – Seattle: Kindle Direct Publishing, 2021. – 115 p.
10. Impact Assessment of the Covid-19 Outbreak on International Tourism. UNWTO. URL: <https://www.unwto.org/impact-assessment-of-the-covid-19-outbreak-on-international-tourism> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
11. Методологическое пособие «Адаптация объектов сельского и экотуризма к последствиям пандемии Covid-19. Аналитика и успешные практики Европы и России» - Москва: АНО «АРСИ», Экоцентр «Заповедники», 2022. – 108 с.
12. World health statistics 2018: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals. World Health Organization. Luxemburg – 2018. 86 p. <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/272596/9789241565585-eng.pdf>
13. Wyman O. To Recovery & Beyond: The Future of Travel & Tourism in the Wake of Covid-19. World Travel & Tourism Council. September 2020. – 46 p. URL: <https://wttc.org/initiatives/to-recovery-beyond>
14. Constantin M., Saxon S. Yu J. Reimagining the \$9 trillion tourism economy – what will it take? // McKinsey & Company. Travel, Logistics & Infrastructure. 05.08.2020. URL: <https://www.mckinsey.com/industries/travel-logistics-and-infrastructure/our-insights/reimagining-the-9-trillion-tourism-economy-what-will-it-take>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/5 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).